
Фурқат тумани бюджет ташкилотларида ишловчи ишчи ходимларнинг 2022 йил март ойи иккинчи ярим иш ҳақи тўлиқ тўлаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги бюджет ташкилотларида ишловчи ходимларга иш ҳақи тўловларини ўз вақтида тўлаш бўйича зарурий ишлар амалга оширомоқда. Ушбу муҳим вазифалар ижросини тўлақонли таъминлаш мақсадида, Ҳазначилик билан бюджет ташкилотлари ўртасида онлайн равишда маълумотлар алмашинуви тизимли йўлга қўйилган. Фурқат тумани бўйича Ҳазначилик бўлинмасининг хабар беришича жорий йилнинг 5-апрел кунига бюджет ташкилотларида ишловчи ишчи ходимларнинг бюджет маблағлари ҳисобидан март ойи иккинчи ярми учун жами 13 млрд. сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар тўлаб берилган

2022-04-06 18:14:01